



zбекистон Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

8 у.г. «19» апрель

№ 410-К

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар У.Барноев кўчаси атрофидан “BARS STROY” МЧЖга
замонавий иссиқхона қуриши учун 2,0 га ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги 4-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни уришга рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига асосан ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, ҳамда “BARS STROY” МЧЖ ахбарининг шаҳар ҳокими номига ёзган хатини ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил, 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар У.Барноев кўчаси атрофидан “BARS STROY” масъулияти чекланган жамиятига замонавий иссиқхона қуриши учун 2,0 га ер майдони ажратилсин.
3. “BARS STROY” масъулияти чекланган жамияти раҳбарига белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида замонавий иссиқхона қуриши учун ҳужжатларни расмийлаштириш юқлатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли ҳужжатлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиков) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га “BARS STROY” масъулияти чекланган жамиятига замонавий иссиқхона қуриши учун ажратилган ер майдонини натура тарзда ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.
6. “BARS STROY” масъулияти чекланган жамияти раҳбари томонидан вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.
7. “BARS STROY” масъулияти чекланган жамиятига замонавий иссиқхона қуриши учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.
8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юқлатилсин.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов